

Сирдарё вилояти Гулистан шаҳар
Давлат хизматлари маркази томонидан

2022 йил “15 ” айдан да

49407-сонли

реестр рапорами билан

“РЎЙХАТРА СЛИНГАН”



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
хурга маҳсус таълим вазирининг

2022 йил “24 ” марта

-сонли буйруғи билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”



ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ УСТАВИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ УСТАВИ

I. Үмумий қоидалар

1. Гулистон давлат университети (кейинги ўринларда - университет) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги “Республиканинг янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-356-сонли Фармонига биноанFaфур Фулом номли Сирдарё давлат педагогика институти негизида ташкил этилган.

2. Университет давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ўқув-услубий ва илмий-педагогик, шунингдек бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3. Университет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруқлари ва мазкур Уставга амал қиласди.

4. Университет бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминлайди. Шунингдек, университет шартнома асосида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни олишни ташкил этади.

5. Университетда таълим олиш шакллари қуидагилардан иборат:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш (кундузги);
ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш (сиртқи, кечки).

Қонун хужжатларига мувофиқ университетда таълим олишнинг бошқа шакллари ҳам жорий этилиши мумкин.

6. Университет юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет маблағларини олувчи давлат ташкилоти ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос маҳсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши, мулкий ҳамда номулкий хуқуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

7. Университет мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги тегишли бошқармаларида шахсий ғазна ҳисобварақларига, шу жумладан, банк муассасаларида валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

Университетнинг расмий тўлиқ ва қисқартирилган номи:

давлат тили, лотин алифбосида: Guliston davlat universiteti (GulDU);

давлат тили, кирилл алифбосида: Гулистон давлат университети (ГулДУ);

рус тилида: Гулистанский государственный университет (ГулГУ);

инглиз тилида: Gulistan State University (GulSU).

Университетнинг юридик манзили (почта манзили): Гулистон шаҳар, 4-мавзе.

8. Университет ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, хорижий ҳамкор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Университетнинг асосий мақсади, вазифалари ва функциялари

9. Ҳар томонлама ривожланган, ўз Ватани фидойиси, давлат ва жамият олдидағи ўз масъулиятини ҳис қилувчи, мамлакат келажаги учун вижданан ва ҳалол меҳнат қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилувчи ҳамда ҳалқаро таълим майдонида рақобатбардош, юқори малакали замонавий иқтисодиётнинг тегишли соҳалари бўйича олий маълумотли мутахассисларни ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш Университетнинг асосий мақсади ҳисобланади.

10. Гулистон давлат университетининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим босқичларида маълумот олиши орқали эришишни қондириш;
- иқтисодиётнинг тегишли соҳалари бўйича олий маълумотли мутахассисларни ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- олий таълимдан кейинги таълим бўйича фаннинг фалсафа доктори, фан доктори ва мустақил изланувчи сифатида олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;
- жамиятнинг ахлоқий, маънавий-маърифий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;
- аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий, хуқуқий даражасини кўтариш;
- илмий-педагог ходимлар ва таълим олувчиларнинг илмий-тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- ҳар томонлама ривожланган ва содик шахсни, мустақил давлат фуқаросини ўз Ватани фидойиси, ҳалқ, жамият ва оила олдидағи ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилувчи, ҳалқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун вижданан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;
- тегишли таълим йўналишлари бўйича ўқув мажмуаларини, кўлланмаларини, дарсликларни яратиш ва уларни ўқув жараёнларига татбиқ этиш;
- миллий иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари бўйича устуворликка эга бўлган ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва натижаларини амалиётга татбиқ қилиш;
- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширади.

ошириш ва бу ишларга талабаларни жалб этиш;

- Университет бинолари ва унга тегишли объектларда умумий овқатланиш, ошхона, буфетларни ташкил этиш ва фаолиятини юритиш;
- фундаментал ва гуманитар фанлар соҳасида юқори малакали ўқитувчи ва илмий кадрларни замонавий талаблар даражасида тайёрлаш;
- фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказиш, илм-фаннынг истиқболли, юқори технологияли йўналишлари бўйича мамлакатимиз илмий мактабларини ривожлантириш, илм-фан ва олий таълим соҳаларида етакчи хорижий университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- мамлакат олий таълим муассасаларининг таълим-тарбия, илмий-услубий ва маданий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш, узлуксиз таълим тизими босқичларининг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш;
- жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўкув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўкув дастурлари ва ўкув-услубий материалларини кенг жорий қилиш;
- ўкув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш;
- тизимли асосда магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларнинг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;
- олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш;
- университетда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;
- таълим жараёнига, олий таълимнинг ўкув режа ва дастурларига янги педагогик технологиялар ва ўқитиши усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш;
- янги авлод ўкув адабиётларини яратиш ва таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, университетни замонавий ўкув, ўкув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, янги адабиётлар сотиб олиш ва таълим жараёнига жорий қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилашиб бориш;
- педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш;
- битирувчиларни фалсафа доктори (PhD) ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиши, ўкув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш;
- педагог ва бошқа ходимлар ҳамда таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш;

- педагог ходимларни уларнинг лавозим мажбуриятлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай бошқа ишга жалб қилиш тақиқланади;
- педагог ходимлар ижтимоий қўллаб-қувватланиши, ўз касбий фаолиятини амалга ошириши, уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини ошириш учун ташкилий ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериш;
- университет педагог ходимларининг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя остига олиш;
- педагог ходимларга қисқартирилган иш вақти давомийлигини белгилаш;
- педагогларга ҳақ тўланадиган ҳар йилги узайтирилган таътил ва бошқа имтиёзлар ва кафолатлар тақдим этиш;
- педагог ва бошқа ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш учун мавжуд бўлган маблағлар доирасида мустақил равишда иш ҳақига, лавозим маошларига табақалаштирилган устамалар белгилашга ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда уни рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллаш;
- педагог ва бошқа ходимларга санитария-гигиенага оид, эпидемияга қарши ҳамда профилактика чоралари билан амалга ошириладиган соғлиқни сақлаш кафолатларини таъминлаш;
- университетдаги таълим олувчиларни қонун хужжатларига мувофиқ имтиёзлар, стипендиялар ва вақтинча яшаш жойлари билан таъминлаш;
- кам таъминланган оилалардаги талabalар, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахслар учун, шунингдек мазкур тоифадаги таълим олувчиларнинг касбий ўсиши учун шарт-шароитлар яратиш.

11. Университет ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида қўйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат таълим стандартлари асосида мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва замонавий халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали иқтисодиётнинг тегишли соҳалари бўйича кадрларни тайёрлашни ташкил этади;

амалий иш тажрибаси, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, касбий ва педагогик маҳоратига эга юқори малакали кадрларни таълим жараёнига кенг жалб этиш бўйича чораларни кўради, шунингдек, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

ўкув жараёнини таълим беришнинг кредит-модуль тизими ва инновацион ўқитиши усулларини қўллаган ҳолда умумэътироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда талabalarda иқтисодиётнинг тегишли соҳалари бўйича тизимли таҳлил қилиш қобилияти ва амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган таълим дастурлари асосида олиб боради;

талabalarning мустақил тайёргарлигини чуқурлаштиришни ҳисобга олган ҳолда иш берувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, таҳлилий фикрлаш ва касбий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган, ўкув режа ва дастурлар ҳамда ўкув-методик материалларни ўкув жараёнинда қўллайди;

ўкув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларни глобал ахборот ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради;

профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини нормалаштиришни фақат ўкув тусдаги тадбирларга асосланган ҳолда мустақил амалга оширади ҳамда педагогик ходимлар томонидан илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни бажаришни рағбатлантиради;

Университет томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар натижаларини ўкув режалари ва таълим дастурларига жорий этиш учун фанларни ўқитиш сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган илмий ва ўкув-услубий материаллар ишлаб чиқади;

тизимли асосда педагог ва илмий ходимларни малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, таълим жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек, талабаларнинг академик алмашинувини таъминлаш бўйича етакчи хорижий илмий-таълим муассасалари, таҳлилий, тадқиқот марказлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлайди;

ижобий халқаро тажрибани кенгроқ қўллаш, шу жумладан, талабалар ўкув юкламаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар)ни ўтказиш ва жамлаш тизимини қўллайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини ташкил этади, уларнинг самарадорлигини ошириш ва тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, олий таълим, фанни қўллаш амалиётининг ўзаро интеграциясини таъминлайди;

ўқитишнинг кредит-модуль тизимини ва талабалар билимини баҳолаш усууларини такомиллаштириб, ўкув жараёнида замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг қўллайди ҳамда ўкув базасини такомиллаштириб боради;

ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни, қўшма хукуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини доимий амалга ошириб боради;

хорижий ҳамкорлар билан биргаликда кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурларини (double degree) мустақил амалга оширади, ўкув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қиласди;

фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаларини олиш учун диссертация ишларини замонавий талаблар, иқтисодий амалиётнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

ўз олдида турган вазифаларни бажариш мақсадида замонавий ўкув ва моддий-техник базани яратади, ўкув, илмий-тадқиқот бўлинмаларни, кафедраларни ўқитишнинг замонавий техник воситалари, ахборот коммуникация тизимлари ва дастурий мажмуалари билан таъминлайди;

Ўзбекистоннинг илмий ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришга қодир мутахассисларни тайёрлашда юксак истеъдод сохибларига билимнинг

тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз қобилиятларини намоён этиш ҳамда ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъодни рўёбга чиқариш учун имкониятлар яратади;

талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштириш, тарбиялашнинг турли шакл, усул ва воситалари орқали талабаларни жамиятнинг тўлақонли аъзоси, ватанпарвар, вижданан ва ҳалол меҳнат қилувчи, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб этишиши учун комплекс чора тадбирларни амалга оширади;

талабалар онги ва қалбида маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий истиқлол гояси ва мустақиллик мафкурасини шакллантириш, талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига қўмаклашиш, ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик ва фидоййлик туйғуларини, уларнинг дунёқарашини шакллантириш чораларини кўради;

маънавий қадриятлар ва миллий маданиятни кенг тарғиб қилиш, китобхонларни маънавий ривожланишини таъминлаш, уларни миллий ва жаҳон маданияти дурдоналарига қизиқишини ошириш ҳамда дунёқарашини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни амалга оширади;

Университет ҳалқаро рейтинги ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чет эл фуқаролари учун таълим олиш имкониятини кенгайтиради;

Ахборот-ресурс марказини ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқғисодий мазмундаги босма ва китоб маҳсулотлари ҳамда ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар, жумладан хорижий адабиётлар фонди, ўқитишининг техник воситалари, шунингдек, глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларини мунтазам янгилаб боришини таъминлайди.

III. Университетнинг талабалари, тингловчилари ва изланувчилари

а) Талабалар:

12. Университетга талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига кўра тўплangan балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Университетга қабул барча учун (грант, тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонларда энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгилangan тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликқа асосан хорижий фуқароларни ўқишга қабул қиласи.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 606-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ олий маълумотга эга бўлган шахслар

Университетта иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш учун тўлов-контракт (шартнома) асосида ўқишига қабул қилиниши мумкин.

Иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш учун абитуриентлар қабулини Университет қабул комиссияси амалга оширади.

Кўшма таълим дастурлари асосида кириш синовларини муваффақиятли топширган ҳамда тўлов-контракт квоталари доирасида тўлов-контракт шартларини бажарган аббитуриентлар ўқишига қабул қилиниш ҳукуқига эгадирлар.

Университет ректорининг буйруғи билан ўқишига қабул қилинган шахс университетнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси (кредит-модуль тизимида ўқиётган талабалар бундан мустасно) бепул берилади.

13. Талабалар қўйидаги ҳукуқларга эга:

фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

университет ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

бепул маслаҳатлар ва тавсиялар олиш;

аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;

университет ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

илмий тадқиқот ишларининг барча турларида, илмий конференциялар, симпозиумларда иштироқ этиш ва уларнинг натижаларини нашр этишга ва бу ҳақда ахборотлар бериш;

университетда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш;

ўқищдан ташқари вақтларда маънавий-маърифий, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бошқа қонунчиликка зид бўлмаган жамоат ишларида иштироқ этиш;

ўқищдан бўш вақтларида олий таълим муассасасининг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда меҳнат қонунчилигига мувофиқ ишлаш;

етакчи хорижий таълим муассасаларида академик алмашинувда иштирок этиш.

Талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб этишиш учун зарур бўлган қонунчилик хужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳукуқлардан фойдаланиши мумкин.

Талаба ўз ҳукуқларини сусистеъмол қилмаслиги, бу ҳукуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

14. Университет талабаларининг мажбуриятлари:

ўқув режа ва дастурлар талабларини белгиланган муддатларда бажариш ҳамда билимларни эгаллаш;

мазкур Устав, Университет ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари, Университет Талабалар тураг жойи ички тартиб-қоидаларига ва Университетнинг коррупцияга қарши курашиш дастурига риоя этиш;

Университет бинолари ва унинг бошқа мол-мулкини асраб-авайлаш, тўлов-контракт бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажариш;

Ватанга ва халқига ҳалол хизмат қилишга тайёр, юқори билимли мутахассис бўлиб етишиш учун фидокарона билим олиш ўз касбий салоҳиятини шакллантириш ва такомиллаштириш;

таълим олиш жараёнида жамиятнинг аҳлоқий принципларига, маънавий қадриятларимизга, қонун талабларига, ўзаро муносабатларнинг юксак талабларига жавоб берувчи қоидаларига қатъий амал қилиш;

танлаган ихтисослиги бўйича чукур назарий билим олиш, бўлғуси касби бўйича амалий кўнималар ҳосил қилиш;

ўқув жараёни талабларига бўйсуниши, ўқув машғулотларини узрли сабабсиз қолдирмаслик, дарсларга кеч қолиб келмаслик, дарс машғулотлари якунланмасдан аввал кетиб қолмаслик;

таълим жараёни билан боғлиқ вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, ўқитувчиларнинг фанни ўзлаштириш билан боғлиқ топшириқларини ўз вақтида ва талаб даражасида бажариш, машғулотларга зарур ўқув қуроллари билан келиш;

тегишли кафедра ва деканат билан мустаҳкам алоқада бўлиш, деканат раҳбариятининг қонуний топшириқларини ўз вақтида бажариш;

билимларни эгаллашда ташаббус ва файрат кўрсатиш, лоқайдликка йўл қўймаслик;

барча билан хушмуомалада бўлиш;

Университет мол-мулкига эҳтиёткор ва тежамкор муносабатда бўлиш, уларга қасдан ёки эҳтиётсизликдан зиён етказмаслик, зиён етказилган тақдирда моддий заарар ўрнини ўрнатилган тартибда қоплаш, моддий ашёларни аудиториядан ёки бинодан ташқарига рухсатсиз олиб чиқмаслик;

бино ичидаги, йўлакларда, аудиторияларда санитария қоидаларига риоя қилиши, ифлослантирмаслиги, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишига йўл қўймаслик;

кийиниш маданиятига риоя қилиш, хусусан ташқи кўриниши ва ёмон хулқ-атвори билан бошқалардан ажralиб турмаслиги, аҳлоқ-одоб нормаларига сўзсиз бўйсуниши;

ўқув машғулотига келмаган ҳолатда (шу жумладан, касаллиги туфайли) уч кундан кечикмасдан бевосита ўзи ёхуд бириктирилган тыютори орқали деканатни тегишли равишда, хусусан ёзма тарзда хабардор қилиш, қатнашмаслик сабабларини кўрсатиш;

хорижий ташкилотлар грантларида қатнашгани тақдирда бу ҳакда факультет деканини хабардор қилиш, грант билан боғлиқ ҳолда чет элга жўнаб кетишдан аввал ўрнатилган тартибда рухсат олиш;

ўз илмий, маънавий-ахлоқий, гоявий-сиёсий савиясини мунтазам ошириб бориши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-

иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислоҳотлар ва янгиланишлардан хабардор бўлиш;

ўкув интизомига, Университет кенгаши қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда таълим тизимиға доир норматив-хуқуқий хужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларга, шунингдек, ўзининг мажбуриятларига риоя этиш.

Талабаларга қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

15. Университет ҳудудида талабаларга қуидагилар таъқиқланади:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилиш;

миллий, ирқий, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай шаклдаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва тарғиб қилиш;

Университет бинолари ва ҳудудидаги моддий-техник, бошқа мол-мулкка зарар етказиш;

ўқиши вақтида Университет маъмурияти рухсатисиз чет эл давлатларига бориш.

16. Ўқиши даврида ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятида юқори кўрсаткичларга эга бўлган талабалар Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотлар грантлари хисобига ҳамда Университетнинг хорижий ҳамкорлари билан шартномалари асосида етакчи хорижий таълим муассасаларига талабаларнинг ақадемик алмашинуви доирасида ўқишига юборилиши мумкин.

Талабаларнинг ақадемик алмашинувини таъминлаш бўйича етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Университетда хорижий мамлакатларнинг талабалари ҳам ўз ўқишини давом эттириши мумкин.

17. Давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқитишининг ишлаб чиқаришдан ажралган шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар (хорижий талабалар бундан мустасно).

Талабалар тегишли норматив-хуқуқий хужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ва Университетнинг маҳсус стипендияларини олиш хуқуқига эгадирлар.

18. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғищ, шунингдек болаларни парвариш қилиш, оиласининг бетоб аъзосини (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, турмуш ўртоғи, фарзанди) парвариш қилиш учун талабага ақадемик таътил берилиши мумкин. Ушбу таътилни бериш тартиб-қоидалари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июнданги 344-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига ақадемик таътил бериш тўғрисида”ги Низомда белгиланган.

19. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ кундузги ўкув шаклида таълим олаётган талабаларга олий таълим муассасасида ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

20. Университетнинг Талабалар турар жойи сифимидан келиб чиқсан ҳолда муҳтоҷ талабалар, университет талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади.

Талабалар турар жойи учун тўлов талабалар турар жойларида коммунал-маиший хизматлар учун тўловларни инобатга олиб, университет Кенгаши томонидан белгиланади.

Турар жойга муҳтоҷ талабалар мавжуд бўлган ҳолда, олий таълим муассасасининг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижараға бериш, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

21. Университетдан четлаштирилган талаба Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишига тикланиш хукуқига эга.

Университетнинг талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишиларини кўчириш (ўқишига қайта тикланиш) хукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориши учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларни университетга ўқишини кўчириш (ўқишига тиклаш) тақиқланади.

Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (бундан чет эл фуқароларининг ўқишини хорижий олий таълим муассасаларидан Университетга кўчириш мустасно).

22. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этилади.

23. Талаба ўзига юклатилган мажбуриятларни бузгани тақдирда унга нисбатан қуидаги интизомий жазо чоралари кўрилади: ҳайфсан ва талабалар сафидан четлатиш.

24. Талаба университетдан қуидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишининг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун;
- г) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- д) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- е) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

ж) суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);

з) вафот этганлиги сабабли.

25.Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба университет ректори буйруғи билан курсдан қолдирилади. Академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талаба тўлов-контракт асосида ўқишини қуи курсдаги ўқув семестри бошидан бошлаши мумкин.

Университетда кредит-модуль тизимида ўқиётган талабаларга нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 8-боби қоидалари қўлланилади.

26.Университет маъмурияти ташаббуси билан ушбу Уставнинг 23-банди «д» кичик бандига кўра талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, ушбу Уставнинг 23-банди «в» кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, таълим муассасасининг Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

27.Интизомий жазога тортилаётган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ваadolатлилиги юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят билан Университет ректорига, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига ёки бошқа ваколатли ташкилотларга мурожаат этиши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Талаба университетдан четлаштирилганда, унга шахсий хужжатлари, белгиланган шаклдаги ақадемик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғма жилдда сақланади.

Интизомий жазо чоралар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда ҳатти - ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва ҳатти – ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечикирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик пайтида, ақадемик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиши ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларда талабаларга интизомий жазо чораларини кўриш тақиқланади.

Талаба касал бўлганлиги ўзи ёки унинг ота-онаси томонидан ёзма ариза билан бевосита деканатга, одатда, бир ҳафтадан кечикирилмасдан маълум қилинади ва тиббий маълумотнома аслини тақдим этади.

б) Таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчилар:

28.Университетда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражалари изланувчилари учун ташкил этилган олий ўқув

юртидан кейинги таълимда ўқиётган фуқаро таянч докторант ва докторант ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чукур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражалари изланувчилари учун ташкил этилган олий ўқув юртидан кейинги таълимда ўқиётган фуқаро мустақил изланувчи ҳисобланади.

Таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларни ўқитиш шакллари ва муддатлари, уларни қабул қилиш ҳамда фаолиятини ташкил этиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий ишлар

29. Университет мутахассислиги бўйича қуидаги таълим турлари асосида ўқитишни амалга оширади:

олий таълим;

олий таълимдан кейинги таълим.

Университетда қонун хужжатларига мувофиқ кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ташкил этилиши мумкин.

Университет олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминлайди.

Университетда, умумий ўрта (ўн бир йиллик таълим), ўрта махсус (тўқиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик ўрта махсус таълим), бошланғич профессионал таълим (тўқиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик бошланғич профессионал таълим) олган шахслар, шунингдек ушбу Қонун кучга киргунига қадар ўрта махсус, касб-хунар таълими (тўқиз йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими) олган шахслар олий маълумотли таълим олади.

Университет таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалавриат ва магистратура.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўнимкалар берадиган, ўқиш давомийлиги камида 3 (уч) йил бўлган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича ўқиш давомийлиги камида 1 (бир) йил бўлган олий таълимдир.

Магистратура мутахассисларининг ва уларга мувофиқ бўлган бакалавриат таълим йўналишларининг рўйхати таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан белгиланади.

Магистр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича тайёрланган муйян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидағи диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгаллаган мутахассислиги бўйича ишлаш хукуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

30. Университетда таълим жараёнини ташкил этиш, Университет томонидан ишлаб чиқилган ва касбий стандартлар асосида тасдиқланган ўқув режалар, ўқув дастурлари, малака талаблари, университет ректори (ўқув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланадиган йиллик календарь ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуга ва воситаларни танлаш йўли билан университет талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитларини яратиб берилиши лозим.

31. Университетда ўқув машғулотларининг куйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, якка машғулот (амалий ижрочилик билан боғлиқ бўлган санъат йўналишларида), назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битириув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқалик (танаффусиз қўшма маъруза) академик соат белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камидаги 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек, рус, ва инглиз тиллари ҳисобланади.

32. Университетда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда олиб борилади.

Университетнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

33. Университетда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши курслар кесимида 5 баҳолик (2020/2021 ўқув йилига қадар қабул қилинган талабалар учун) ва кредит-модуль тизими (2020/2021 ўқув йилидан бошлаб қабул қилинган талабалар учун)да олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Университетнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий таълимуассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 3069, 2018 йил 26 сентябрь) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида ўқув

жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги Низоми билан тартибга солинади.

Университетда битиувчиларнинг якуний аттестацияси Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битиувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 1963, 2009 йил 5 июнь) қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

34. Университетда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

35. Университетда олий таълимдан кейинги таълим доирасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассисликлари рўйхати»га мувофиқ илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, шунингдек фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертациялар тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун олий таълим муассасасига докторант ва мустақил изланувчиларни бириктириш ишлари амалга оширилади.

36. Университетда Кенгаш томонидан тасдиқланган мавзулар, режалар бўйича бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлиги таъминланган ҳолда талабалар, магистрантлар, катта илмий ходим изланувчи ва мустақил изланувчилар кенг жалб этилиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб борилади.

V. Университетнинг тузилмаси

37. Университет мустақил равишда таркибий тузилмасини шакллантиради.

Университетнинг тузилмасига университет томонидан тасдиқланадиган ва қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлган факультетлар, кафедралар, илимий ва ўкув лабораториялари, бошқармалар, бўлимлар, марказлар ва музейлар киради.

Университет ҳузурида юридик шахс ҳисобланган академик лицей, Гулистон агротехнологиялар техникуми, Оқолтин саноат техникуми фаолият юритади.

Университет бажариладиган ишларнинг ҳажми ва шакллари асосида ходимларни рўйхатини мустақил равишда белгилайди, ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва тугатиш, иш бўйича мажбуриятларни тақсимлайди.

Университетнинг таркибida турли таркибий бирликлар бўлиши мумкин, улар таълим, илмий ва бошқа фаолиятни амалга оширади (филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар, факультетлар, илмий тадқиқотлар маркази, конструкторлик бюролари, тўгарак курслари, инновацион-технологик, ўкув-методик бўлимлар, илмий ускуналар лабораториялари, ўкув ва амалий машғулотлари устахоналари, ўкув ва тажриба машғулотлари лабораториялари, ўкув майдончалари, ўкув-илмий амалиёт учун илмий

асосли базалар, ўкув ва намойиш марказлари, ахборот ресурс марказлари, ахборот технология марказлари, музейлар, босмахона, спорт клублари, спорт ва соғиқни сақлаш марказлари, ётоқхоналар, психологик ва ижтимоий педагогик хизматлар, уларга эҳтиёжи бўлганларни адаптатсия ва реабилитация қилиш марказлари, боғ ва локал норматив хужжатларда назарда тутилган бошқа таркибий бўлинмалар).

Университет таркибий бўлимлари юридик шахс ҳисобланмайди.

Университет таркибий бўлимларининг ҳуқуқий мақоми, мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрнатилган тартибда тасдиқланган тегишли Низомлар ва қоидалар билан белгиланади.

38. Университет академик лицейи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сонли қарори билан Университет тасарруфига биритирилган.

Академик лицейлар ва техникумлар мустақил юридик шахс ҳисобланиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ ҳамда ўз Устави асосида амалга оширади ҳамда ўз мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилигида шахсий ғазна ҳисоб варақаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби туширилган ва ўз номи Давлат тилида ёзиладиган муҳрига эга бўлади.

Университет академик лицей ва техникумлар билан ишлашда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4910-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сонли қарорига амал қилинади.

VI. Университетнинг профессор - ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий - хўжалик ходимлари (персоналии)

39. Университетда профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, мұхандислик-техника, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, асистент ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради.

40. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларга ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июнданги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон

қарорига мувофиқ тегишли кафедранинг кенгайтирилган очик мажлисида педагог қадрлар ва жамоатчилик кенгашининг аъзолари иштирокида синов дарси ўтказиш натижалари бўйича ушбу мажлиснинг тавсиясига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари га педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

41. Ташкилий бошқарувдаги мустақиллик соҳасида Университетга берилган қўшимча ваколатлар доирасида (2022/23-ўқув йилидан бошлаб) педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартиб белгилангандан сўнг ушбу банднинг биринчи хатбошидаги қоидалар амалда ўз кучини йўқотади.

42. Университетнинг профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

43. Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари қуидаги ҳукуқларга эга:

белгиланган тартибда олий таълим муассасаси ва факультет Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

Университетнинг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

Университетнинг ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

ўқитишининг услуг ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

Университет маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

хорижий ҳамкасларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, фундаментал, амалий ва инновация лойиҳалари, хорижий илмий лойиҳалар ҳамда хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, монография ва илмий мақолалар ёзиш, ихтиро учун патент, АКТ учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олишларитни амалга ошириш;

тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий-тадқиқот ишларининг муҳокамасида иштироқ этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий ишлар натижаларини нашр этишга тавсия бериш;

таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашда қатнашиш;

хорижий етакчи олимлар, илмий марказлар ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантиришда иштироқ этиш;

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигига белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

44. Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

таълим тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, меҳнат ва технология интизоми, университет Устави, Ички меҳнат тартиби ҳамда одоб ахлоқ қоидаларига ва Университетнинг коррупцияга қарши курашиб дастурига қатъий риоя қилиш; ўзининг хизмат вазифаларини вижданан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

иш жараёнида мулоқат қиласидан университет ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан ҳушфеъл муносабатда бўлиш;

иш берувчининг қонуний буйруқ ва фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўкув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўкув юкламалари ҳажмини, ўкув-услубий, илмий ўкув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) илмий-тадқиқот натижалари бўйича дарслик, ўкув қўлланма тайёрлаш, ўкув адабиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш, ихтиро учун патент, АКТ учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олиш;

в) таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашда қатнашиш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

г) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш;

д) Университет Кенгаш томонидан тасдиқланган кафедрада бажариладиган илмий мавзуларида иштирок этиш;

е) ўз малакасини уч йилда бир марта ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

университетнинг мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

иш берувчига бевосита ўзининг айби билан етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

университет жамоатчилик ишларида қатнашиш;

педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

замонавий глобаллашув ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;

чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш асосида камида бир ёки иккита хорижий тилни билиши;

таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

«Устоз-шогирд» тизимида иштирок этиб, ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнак бўлиш;

кийиниш маданиятига риоя этиш;

университети ички тартиб ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига сўзсиз риоя қилиш;

республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳонда рўй берадиган янгиликлардан хабардор бўлиш;

университет, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

дарсларни юқори савияда ўтиш;

фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

ҳар ўкув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўкув дастури, календарь режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиши ва кафедра мажлисида тасдиқлатиш;

рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;

талабалар билимини холисона баҳолаш;

янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;

илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;

талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

ўзининг мутахассислиги бўйича ишлаб чиқариш корхонаси ва муассасаларда мавжуд муаммолар ҳақида маълумот ва тасавурларга эга бўлиши ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд муаммоларнинг ечимиға оид тадқиқот мавзусига эга бўлиш;

олиб бораётган тадқиқот мавзуси асосида ўз ёки ҳаммуаллифликдаги ишланма ва технологияларга эга бўлиши;

мутахассислиги бўйича таянч олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарида тегишли муддатларда малака ошириб бориши ёки стажировкадан ўтиши;

олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш;

45. Университет профессор-ўқитувчилари таркибини уч йилда камида бир маротаба малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

46. Университетнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари олий таълим муассасасининг Ички тартиб ҳамда одоб-ахлоқ қоидалари, Университетнинг коррупцияга қарши курашиш дастури ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

VII. Университетни бошқариш

47. Университетни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим

муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-60-сон қарорига мувофиқ, университет Кузатув кенгаши томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган ректор томонидан амалга оширилади. Ректор йўқлигига унинг вазифасини проректорлардан бири (лавозимига кўра) вақтинча бажаради.

48.Ректор: Университет фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва Университетга юкландган вазифалар ва ваколатларни қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширади:

проректорлар ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Университетнинг таркибий бўлинма раҳбарлари ваколатларини, уларнинг таркибий бўлинмалар фаолияти учун жавобгарлигини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруқлари, Ҳайъат ва Университет Кузатув кенгаши қарорларини амалга оширишни ташкил этади;

Университет таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди, кафедраларни ташкил этади ва тугатади;

Университетнинг барча ходимлари ва талabalари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Университет таркибий бўлинмалари раҳбарларини ва факультет деканларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди (юқори турувчи идоралар номенклатурасидаги лавозимлар бундан мустасно);

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Университет ҳузуридаги академик лицей директорини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

Университет ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди;

юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини ошириш мақсадида ходимларга устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари микдорларини белгилайди;

замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдалана оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган профессор-ўқитувчиларни танлаш мақсадида Университет ҳамда профессор-ўқитувчилар ўртасида бир йиллик муддатли меҳнат шартномалари тузиш амалиётини жорий этади;

Университетнинг ташкилий ва молиявий фаолияти масалаларини белгиланган тартибда ҳал қиласди;

Университетнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш бўйича белгиланган тартибда қарорлар қабул қиласди;

Университетда ташкил этиладиган якуний давлат аттестация комиссияси раисларини тасдиқлайди;

Университетнинг штат жадваллари ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Касаба уюшма қўмитаси ва Университет кенгаши билан келишилган ҳолда Университетнинг ички тартиб қоидаларини белгилайди;

амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруқларига зид тарзда қабул қилинган буйруқларини бекор қиласди;

Университет ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, ўрнак кўрсатган Университет ходимларини унвонлар бериш ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида таклифлар киритади;

профессор-ўқитувчилар штат бирликларини киритиш меъёрларини ишлаб чиқади;

Университетнинг тузилмасини тасдиқлайди ва штат бирликлари сонини белгилайди (2022-2023 ўкув йилидан қўлланилади);

Университет қабул комиссияси раиси ва масъул котибини, шунингдек, Университет томонидан ўтказиладиган имтиҳонлар бўйича қабул комиссияси раиси ва аъзолари, имтиҳонлар жадвали, имтиҳон олинадиган фанлар дастурлари ва баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;

Университетда таълим олувчиларнинг амалиётни ўташ тартибини тасдиқлайди ва уни ташкил этади;

ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан академик мобилликни амалга оширади;

Университет ва унинг тузилмасидаги таълим муассасалари учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўкув ва илмий адабиётларни яратади ва нашр этади;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизmlарини белгилайди ва жорий этади;

хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишувлар асосида қўшма таълим дастурларини амалга оширади;

хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишини ташкил этади;

чет эл фуқароларининг ўқишини хорижий олий таълим муассасаларидан республика давлат олий таълим муассасаларига қўчириш ишларини амалга оширади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги барча турдаги, шу жумладан Университет ва унинг қошидаги академик лицейнинг бино ва иншоотларини куриш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича келишувларни тузади ва амалга оширади;

таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қиласди;

ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратади;

Университет ва унинг ҳузуридаги академик лицейнинг иқтидорли ўкувчиларига стипендия ва грантлар ажратиш ҳуқуқига эга;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

49.Ректорга илмий ва илмий-услубий раҳбарликдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган раҳбарлик лавозимида ўриндошлик асосида ишлашга рухсат этилмайди.

50. Университет фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун ректор (Кенгаш раиси) бошқарадиган Университет Кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) ташкил этилади.

Кенгаш Университетининг доимий фаолият юритувчи коллегиал органи ҳисобланиб, Университетнинг ташкилий-бошқарув, ўкув, ўкув-услубий, илмий-инновацион, маънавий-маърифий ва молия-хўжалик фаолиятининг тезкор масалалари бўйича коллегиал қарорлар қабул қиласди.

Кенгаш таркиби ректор томонидан тасдиқланади. Кенгаш тўғрисида низом ва унинг регламенти Кенгаш томонидан тасдиқланади.

Кенгаш таркибига проректорлар, факультет деканлари, илмий котиб, мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, айrim таркибий бўлинмалар раҳбарлари, етакчи профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимлар киради. Кенгаш таркибига Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик, ташкилот ва идораларнинг вакиллари, етук мутахассислар киритилиши мумкин.

Кенгаш қарорларининг ижроси проректорлар ва бошқа раҳбарлар томонидан таъминланади.

Кенгашнинг асосий ваколатларига қуйидагилар киради:

Университет ва Кенгашнинг иш режасини тасдиқлаш;

Университетга педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш учун танлов ўтказиш;

талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш;

ўкув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий юқори малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш;

Университет талабаларининг академик таътил муддатига ўқишини экстернат таълим шаклига ўтказиш бўйича аризаларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

ўкув режалари, ўкув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлайди, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш (2022-2023 ўкув йилидан кўлланилади);

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун ўқиш давомийлиги муддатларини белгилаш (2022-2023 ўкув йилидан кўлланилади);

Университет қабул комиссияси фаолияти ҳисботларини тасдиқлаш;

битирувчиларга нисбатан малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурларини тасдиқлаш;

бакалавриат, магистратура ва маҳсус дастурлар бўйича якуний давлат аттестацияси синовларининг дастурлари ҳамда баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

Университетда якуний давлат аттестациясини ўтказиш шаклини белгилаш;

Университетнинг илмий-педагогик салоҳияти, унинг моддий-техник базаси имкониятларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда талабаларни тўлов-

контракт асосида ўқишига қабул қилиш параметрларини белгилаш, мөхнат бозоридаги эҳтиёждан келиб чиқиб янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитиши қиймати олий таълим муассасаси томонидан таълим хизматлари бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бироқ тегишли йўналиш бўйича давлат олий таълим муассасаларида белгиланган базавий тўлов-контракт қийматидан уч баравардан ортиқ бўлмаган микдорда белгилаш;

бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари кесимида қабул шартларида тўлов-контракт қиймати табақалаштирилган микдорларда белгилаган ҳолда қўшимча қабул параметрларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига номзод талабаларни тавсия этиш;

талабгорларни доцент ва профессор илмий унвонларига тавсия этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясига тақдимнома киритиш;

таянч докторантурা, докторантура ва мустақил изланувчилик институтига қабул натижаларини тасдиқлаш;

диссертация мавзулари базаси, таянч докторантлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари ва илмий маслаҳатчиларини тасдиқлаш;

фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертациясини ўқиши муддати тамом бўлишидан камида 6 ой олдин ҳимоя қилганларга, шунингдек, уларнинг илмий раҳбарлари ва консультантларига мукофот белгилашни тасдиқлаш;

докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;

магистрлик диссертацияси ва битириув малакавий иши мавзулари ҳамда давлат аттестация комиссияси ҳисоботларини тасдиқлаш;

чин етим, етим, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ талабаларни Университет Талабалар турар жойи тўловларидан озод қилиш масаласини кўриб чиқиш;

Университет проректорлари, факультет деканлари, шунингдек, кафедра мудирлари ва бошқа таркибий бўлинма раҳбарларининг ҳисоботларини эшлиши;

бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш учун Махсус жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, ҳар ойлик устамаларни ўрнатиш мезонларини белгилаш;

талабалар турар жойи тўловлари микдорларини белгилаш;

ўқув адабиётларини нашр этишига тавсия этиш;

ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиши.

Кенгаш коллегиал муҳокама қилиш талаб этиладиган, Университет фаолиятига тааллуқли бўлган бошқа ҳар қандай масалани ҳам кўриб чиқиши ва унинг юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Кенгаши Университетнинг Кузатув кенгаши томонидан берилган ваколатларни амалга оширади.

51. Университетда фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаларини берувчи Илмий кенгашлар фаолияти ташкил этилади.

52. Университетда Кузатув кенгаши ташкил этилади, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири томонидан тасдиқланади. Кузатув кенгаши тўғрисида Низом Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Кузатув кенгаши ўз ваколатларини Университет кенгашига топширишига, шунингдек, Университет кенгашига кирувчи ваколатларни ўз зиммасига олишга ҳақли.

53. Кузатув кенгашининг асосий ваколатлари қўйидагилардан иборат:

Университетнинг узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини тасдиқлаш, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг юқори ўринларидан жой олиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни белгилаш ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилиб бориш;

Университетнинг ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

таълим йўналишлари, мутахассисликлар ҳамда ихтисосликлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишига қабул параметрларини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Университет олдига қўйилган вазифалар ижроси, мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича ректор ва проректорлар фаолиятини ўрганиш ҳамда ахборотини эшлиши;

Университетнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматига молиявий назорат ўтказиш учун қўшимча топшириқ бериш ҳамда назорат тадбирларининг натижаси юзасидан ҳисбот олиш;

Университетни ривожлантириш ва унинг молиявий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилоти кўринишида мақсадли капитал жамғармасини шакллантириш;

ilm-fan ва инновацияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Университет инновацион ва бошқа жамғармалар маблағларини сарфлаш тартиби ва йўналишларини белгилаш;

Университет раҳбари ва ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилари фаолиятига баҳо бериш, улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини (KPI) тасдиқлаш;

Университет ҳамда унинг ҳузуридаги таълим ва илмий муассасаларнинг раҳбари ва ходимлари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек, хорижий мутахассислар учун меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва самарадорлик мезонларига асосланган рағбатлантириш тартибини белгилаш;

Университетнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан харажатларнинг тақсимланиш улушкини мустақил белгилаш;

докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равища қабул қилиш.

магистратура босқичида таълимнинг сиртқи, масофавий ва кечки шаклларини жорий этиш, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қўш малакалар, шу жумладан амалий малакалар бериш тизимини жорий қилиш;

фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш;

педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибни белгилаш (сўнги учта хатбоши қоидалари 2022-2023 ўқув йилидан кўлланилади).

VIII. Жамоат ташкилотлари

54.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарорига мувофиқ университетда самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш мақсадида талабалар, ота-оналар, Ёшлар иттифоқининг университетдаги фаоллари, кадрлар буюртмачилари, профессор-ўқитувчилар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат таркибда Жамоатчилик кенгаши ташкил этилади.

Жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари:

таълим сифати, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, талабаларга яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли равища мониторинг ўрнатиш;

Университетга профессор-ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилинаётган номзодлар бўйича тавсиялар бериш;

талабаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог кадрлар ҳақидаги фикрини тўлиқ ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш;

Университетдаги таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва муассасанинг тегишли кенгаши муҳокамасига киритиш.

55.Университетда касаба уюшмаси ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг меҳнат ҳукуки ва манфаатларини ҳимоялаш касаба уюшмаси марказий кенгаши ҳамда уларнинг университетда сайланган вакили амалдаги қонунчилик асосида ўз иш фаолиятини олиб боради.

IX. Университетнинг молия-хўжалик фаолияти ва моддий-техник база

56.Университетга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш ва фойдаланиш мақсадида давлат томонидан бинолар, иншоотлар, мулкий мажмуалар, университетнинг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириттирилган.

Университет Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган обьектлар қаторига киритилган. Университеттага ажратилган ер участкалари муддатсиз бепул фойдаланиш учун бириктирилган.

57. Қуидагилар Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

бакалавриат ва магистратура талабалари, шунингдек олий таълимдан кейинги таълимнинг тўлов-контракт шакли асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хорижий фуқароларни тўлов-контракт шакли асосида ўқитишдан Университет валюта ҳисоб рақамига тушадиган хорижий валюта маблағлари;

бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида ўтказиладиган грант танловлари натижалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар учун ажратиладиган маблағлар;

пуллик курсларни ташкил этиш ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатишдан тушадиган барча маблағлар;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари ва мақсадли бадаллари;

Университет фаолиятида амалга оширилган илмий, ўкув ва бошқа инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, шунингдек Университетнинг мол-мулкини ижарага беришдан, шартнома асосида қонун ҳужжатларида рухсат берилган хизмат кўрсатиш орқали тушган маблағлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

58. Университетда меҳнатга ҳақ тўлаш амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Университет ходимига меҳнатга ҳақ тўлаш, ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади.

59. Университетда, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчи ва ходимларга устамалар ҳамда моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси (Тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағларнинг 30 фоизи миқдорида) ташкил этилади.

Маҳсус жамғарма маблағлари штатдаги бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўкув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга ҳар ойлик устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турларини ўрнатишга йўналтирилиб, уларнинг миқдори Университет Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган тартиб (низом) асосида белгиланади.

Моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек ҳар ойлик устамаларни ўрнатиш мезонлари Университет Кузатув кенгаши томонидан мустақил белгиланади.

Университет ходимларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа моддий рағбатлантириш ва моддий ёрдам чоралари кўрсатилиши мумкин.

60. Университет қуидаги масалалар бўйича мустақил қарор қабул қиласди:

асосий воситалар ва товар-моддий бойликларни (бино ва иншоотлар ҳамда ўқув-илмий лаборатория жиҳозлари бундан мустасно) сотишдан тушган маблағларни тўлиғича ўзларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича шахсий ғазна ҳисобварагида жамлаш ва сарфлаш;

ривожлантириш жамғармасига тушган барча маблағлардан моддий-техника базани мустаҳкамлашга, ўз ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантиришга, фаолиятни самараали ташкил этиш билан боғлик бошқа тадбирларга сарфлаш улушкини белгилаш;

ўқув жараёнига жалб этилган хорижий юқори малакали ўқитувчи ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш (қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлардан кам бўлмаган миқдорда);

хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри харид қилиш;

бўш турган бино ва иншоотларда пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш;

автотранспорт воситаларининг йўл босиши йиллик лимити ва уларга хизмат кўрсатиш талабларини белгилаш;

сақлаш харажатлари, вазифа ва мажбуриятларни бажариш, ўқитишининг инновацион шакл ва услубларини жорий этиш ҳамда ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материалларини (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа обьектлар), шу жумладан китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари харид қилиш ва чоп эттириш учун маблағларни мустақил сарфлаш;

Университет инфратузилмасига сервис хизматлари кўрсатишнинг алоҳида турлари, жумладан бино ва иншоотлар, талabalар турар жойлари, спорт обьектларидан фойдаланиш, уларни тозалаш, таъмирлаш, компьютер техникиси ва телекоммуникация тармоқларини сақлаш ва юридик хизматлар кўрсатишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш.

61. Кўшимча таълим хизматларини кўрсатиш, иқтисодиёт тармоқлари мутахассисларининг малакасини ошириш ва бошқа пуллик хизматларни жорий этиш Университетнинг кўшимча вазифаси бўлиб хисобланади.

62. Университет илмий, ўқув ва бошқа инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, шунингдек шартнома асосида қонун ҳужжатларида рухсат берилган бошқа хизмат кўрсатиши ва ўзининг уставида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Университет асосий воситалар ва товар-моддий бойликларни сотиши, пуллик курсларни ташкил этиш ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш, Университетнинг мол-мулкини ижарага беришдан тушадиган барча маблағларни мустақил равища тасарруф қиласди.

63. Университет ўз фаолияти натижаларининг бухгалтерия ҳисобини белгиланган тартибда амалга оширади, молия ва статистика ҳисботларини юритади.

X. Университетнинг халқаро фаолияти

64. Университет қонунчилик ҳужжатлари ҳамда мазкур Уставга мувофиқ хорижий мамлакатларнинг таълим ва илмий марказлари, халқаро жамғармалар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳуқуқига эга.

Университетда чет эл фуқароларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, олий таълим муассаси илмий-педагогик ходимларининг хорижий мамлакатларда педагогик ва илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари ва хорижий давлатларнинг таълимини бошқариш бўйича тегишли органлари ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек Университетнинг хорижий давлатларнинг таълим ва илмий марказлари, халқаро жамғармалар ва бошқа ташкилотлар билан қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда тузилган шартномалари (битим, меморандумлари), чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузилган шартномалари асосида амалга оширилади.

65. Халқаро фаолиятни амалга оширишда Университет қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таълим соҳасидаги халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига аъзо бўлиш;

хорижий давлатларнинг таълим ва илмий марказлари, ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш юзасидан шартномалар (битим, меморандумлар) тузиш;

хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларидан юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва олимларни дарс машғулотларига, ҳамкорлиқда ўқув адабиётлари ва илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга жалб этиш;

хорижий ҳамкорлик иштирокида Университет таркибий бўлинмалари (қўшма факультетлар, қўшма таълим дастурлари, марказлар ва бошқа бўлинмалар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш;

Университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари, докторантларини хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш, фалсафа доктори (PhD) ва магистратура дастурлари бўйича таълим олишларини таъминлаш;

Университет талабаларини хорижий мамлакатларга стажировка, амалиёт ўташ, конференция ва танловларга юборишни таъминлаш;

Университет ва хорижий олий ўқув юртлари талабалари, таянч докторантлари ва докторантлар, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлари билан икки томонлама ўзаро алмашинув дастурларини ташкил этиш;

хорижий фуқароларни белгиланган тартибда Университетга ўқишига қабул қилиш ва уларнинг ўқишилари учун шарт-шароитлар яратиш.

Университет қонунчиликда белгиланган тартибда хорижий мамлакатларнинг институтлари ва ташкилотлари билан бошқа йўналишларда

ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш хуқуқига эга.

66. Университет профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ҳамда талабаларининг чет эл хизмат сафарлари амалдаги қонунчилик хужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тегишли идоравий норматив-хуқуқий хужжатлари асосида амалга оширилади.

Таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида Университет ректор ва проректорларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқишини Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигини хабардор қилган ҳолда амалга оширилади. Бунда Университет раҳбар ходимлари томонидан хорижий мамлакатга хизмат сафари олдидан асосий маълумотлар, жумладан мамлакат номи, ташриф мақсади ва режаси, сафар натижалари юзасидан эса Университет кенгашига амалга оширилган ишлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган ҳисбот Университет веб-сайтига жойлаштирилади.

67. Хорижий сафарларга юборилган раҳбар ходимлар, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва талабалар (бакалавр ва магистр) бажариш лозим бўлган режа ишларини бажармаган ва ўз хатти-ҳаракатлари билан Университет шаънига путур етказган ҳолларда уларга нисбатан қонунчилик асосида тегишли чоралар кўрилади.

68. Университет ташқи иқтисодий фаолиятидан тушган валюта, моддий тушумлар қонунчиликка биноан мазкур Уставда белгиланган Университет фаолиятини моддий таъминлаш учун ишлатилади.

XI. Якуний қоидалар

69. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қуйидагиларга жавоб беради:

таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари хажмини тўлиқ бажармаганлиги;

таълим жараёни вақтида Университетда таълим оловчилар ва ходимларнинг ҳаёти ва соғлиги;

таълим оловчилар ва ходимларнинг хуқуқ ва эркинликларининг бузилганлиги;

амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажармаганлиги.

70. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

71. Устав Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўказилгандан сўнг кучга киради.

Университет Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруғи билан амалга оширилади.